

## “Филиал кубоги” мусобақаси

ТИҚХММИ Қарши филиалининг “Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими” томонидан 2019-йил 27-30 сентябрь кунлари 1-октябрь -“Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” га бағишлаб филиал талабалари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича “Филиал кубоги” мусобақаси ташкил этилди. Мусобақанинг биринчи босқичи ғолиблари “Сув хўжалиги ва мелиорация”, “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш”, “Ер кадастри ва Ердан фойдаланиш” ва “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” бакалавр таълим йўналиши талабаларидан таркиб топган жамоалар иккинчи босқичда иштирок этишди. Финал босқичида “Ер кадастри ва Ердан фойдаланиш” ҳамда “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” таълим йўналиши жамоалари ўзаро куч синашди. Мусобақа натижаларига кўра, “Ер кадастри ва Ердан фойдаланиш” бакалавр таълим йўналиши талабалари мусобақанинг бош соврини “Филиал кубоги”ни қўлга киритди. Ғолиб жамоа аъзолари эсдалик совғалари ҳамда “Филиал кубоги” билан тақдирланди.



**Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**